



# MILLIY TIKLANISH

43 (312) ● 2014 йил 5 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Мамлакатимиз Конституциясида фуқароларнинг давлат органлари, муассасалар ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган



Ижодкор халқимизнинг қалб қўри, кўз нури билан яралган миллий дўппиларимизни ҳақиқий маънода санъат асарига менгзаш мумкин. Кўринишидан анча ихчам дўппиларда олам, коинот акс этгандек, гўё



Чолғу асбобларини ҳар томонлама сифатли, мустаҳкам ясаш хунарманддан қатта қалб, сабр ва мусиқий билим талаб қилади. Андижонлик Абдумалик Мадраимов ҳам ана шундай маҳоратли усталардан биридир



## 4 ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

## 5 МАЪНАВИЯТ

## 8 КЎЗГУ

Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугайди.

Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасидан

### ЎзМТДП ҳаёти



### Муносабат

## “Бахтим шу — ўзбекнинг Зулфиясиман”

Умри тўрт фаслда гулловчи дарахтга менгашади. Унинг ҳар бир даврида уйғонадиган туйғулари бўлади. Бир-бирини уйғунлаштирадиган, тўлдирадиган, кўнгиладан ўтганини кўнгила илғайдиган нозиктаб ришталар ҳалқаси. Ҳаёт ирмоқларининг туташини гўё мана шу ҳалқада акс этгандек. Бу ҳалқани, яъни мана шу тўрт фаслни ҳам ўзининг ҳаёт йўли, ибратли ишлари билан безайдиган инсонлар ҳақида гап кетганда, ўзбекнинг бетакрор шоираси Зулфия сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади.

## Миллий манфаатлар ва қадриятларимиз ҳимояси — бош мақсадимиз

Пойтахтимизда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг III съезди бўлиб ўтди

Съезд ишида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан сайланган делегатлар, ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Марказий Назорат-тафтиш комиссияси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари иштирок этди.

Съезд кун тартибидан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ҳисобот давридаги фаолияти, истиқболдаги вазифалари ҳамда вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловда иштироки, партия Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг ўтган даврдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи, ЎзМТДП сайловолди Платформаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва съезд ваколатига кирувчи бошқа масалалар жой олди.

2-бет



Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори нафақат ижод аҳлини, балки бутун халқимиз қалбини тўлқинлантириб юборди. Бетакрор истеъдоди, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни юксак пардаларда тараннум этган етук бадиий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан миллий адабиётимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга улкан ҳисса қўшган Зулфия халқимиз хотирасида, давлатимиз эъзозидан мангу яшамоқда.

3-бет



Мирза АЗИЗОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси:

— Миллий маданиятни юксалтиришда театр санъати сингари матбуот ҳам муҳим ўрин тутди. Мен “Milliy tiklanish”ни танладим. Сиз-чи?

### Электорат минбари

## Бола маънавиятини юксалтириш

таълим-тарбия сифатига бевосита боғлиқ

Жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал салоҳиятли авлод камолоти йўлида таълим-тарбия тизимини янада яхшилаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун кўмак бериш, турли тўғаракларга жалб этиш “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалардан саналади. Бу борада, ўқитувчилар, айниқса, синф раҳбарлари ҳар бир болага алоҳида ёндашган ҳолда, унинг иштиши ва қизиқишларини билиши, ота-она билан ҳамкорликда ўқувчини соҳага йўналтириши муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда мактабда чизмачилик ва меҳнат фани ўқитувчиси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаоли сифатида ўз Ватанини севган ва унинг миллий-маънавий қадриятларини ҳурмат қилувчи ёшларни вояга етказишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаяпман. Мактабимиздаги кўплаб ўқитувчилар ЎзМТДП аъзоси ҳисобланади. Шу боис, улар билан биргаликда мактабимизда партия дастурий вазифаларига ҳамоҳанг тарзда ўқувчиларда соғлом, юксак тафаккурни

шакллантириш мақсадида ота-оналар, ҳомийлар кўмаги билан яхши бир анъанани йўлга қўйдик. Хар бир синфда ўқувчининг ёшига мос келадиган бадиий адабиётлар бурчаги ташкил этилди. Бу ташаббус ўзининг ижобий самарасини бериб, ўқувчилар китобларни қизиқиш билан мутолаа қилишмоқда. Ҳафтанинг жума кунини “Маънавият куни” сифатида белгилаб, ўқиган китобларининг маъно-мазмунини сўзлаб беришди, улар асосида бадиий саҳна кўринишларини ташкил қилишди. Бу ўқувчиларимизнинг

ўз фикрини аниқ баён этиши, манتيкий фикрлашига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Дарсларнинг пухта тайёргарлик, ахборот технология воситалари асосида ўтилаётгани, фан, спорт тўғаракларининг самарали ташкил қилингани боис мактабимиз ўқувчилари ҳар йили фан олимпиадалари, “Билимлар синови”, “Солиқ билимлари — болаларда” каби кўрик-танловларда вилоят, республика миқёсида фахрли ўринларни эгаллаб келаётир.

Таълим-тарбия бола маънавияти ва тақдирининг моҳиятини белгилайди. Модомики, шундай экан, партиянинг янги сайловолди Платформасида ҳам ёшларнинг маданияти, маънавиятини юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар янада кенгрок, янада мукамалроқ ўзифодасини топади, деб ишонамиз. **Марҳабохон ҲАҚБЕРДИЕВА,** Бешарик туманидаги 49-мактаб ўқитувчиси

### Фракция ҳаёти

## Мукамал қонунлар

осойишталик, фаровонлик ва электорат манфаатларини таъминлашга хизмат қилади

4-бет



«Milliy tiklanish» газетасини [www.milliytiklanish.uz](http://www.milliytiklanish.uz) сайтида ҳам ўқинг!

## “Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





# Партия ҳаёти

## ◉ Ҳамкорлик

### Кураш — ҳалоллик, мардлик

ва ўзбекона қадриятлар ифодаси

Кураш — миллий қадриятларимиз, ўлмас анъаналаримиз ва боқий меросимизнинг ёрқин намунаси. Чунки унда миллимизга хос ҳалоллик, мардлик ва жасурлик ишжояти мужжасам. Кураш тушайтган полвоннинг нигоҳида Аллоҳнинг ишжояти, Соҳабқирон Амир Темурнинг матонатни балқигандек гўё. Айтиш керакки, миллий кураш тарихини илмий исботлаб берадиган бир қанча ашёвий далиллар мавжуд. Чунончи, Зарафшон воҳасидан топилган курашайтган икки наҳлавоннинг деворий расми Сўғдиёна давлатчилигига оид ноб ёдгорлик саналади. Азалий қадриятларимизни ўзида мужжасам этган миллий спортимиз қисқа вақтда дунёга юз тутди. Ундан шонли тарихимизнинг нафаси келиб туради.

Президентимиз раҳнамолигида мушаккиллик йилларида кўп асрлик тарихга эга миллий курашимиз бўйича чемпионатлар ўтказилган бўлди. Кураш ҳалол спорт тури сифатида тан олинди. Бугунги кунда халқро кураш ассоциациясининг Африкадан тортиб Америкага, кўна китъадан то Австралиягача бўлган давлатларида кураш федерациялари ишлаб турибди. Кураш миллий спорт турининг аёллар ва ўсмирлар ўртасида ҳам оммалашайтгани уни олимпия ўйинлари сафидан ўрин олишига ҳам имкон яради. Курашимизнинг халқро майдондаги муваффақиятлари, табиийки, ҳар бир юртошимизнинг гурунларидиради. Айниқса, гиламга чиқиб келайтган полвонларнинг бир-бирларига таъзим қилишлари, баҳс тугаганидан сўнг, кўл сиқийиб қўйишлари дунё халқларининг ўзбекона қадриятларга бўлган ҳурматидан далолат беради.



Ўзбекча сўзларни бурро-бурро айтиётган хорижлик ҳакамларнинг овозлари қулогимизга ёқимли эшитилишининг сабаби ҳам аслида миллий анъаналаримизнинг қадр топагиндандир. Миллий курашимиз бизни ана шундай ҳис-туйғуларга ошно қилгани учун ҳам қадридир.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган "Фурурим ва ифтихоримсан, кураш" шоу-дастури ва миллий хунармандчилик ҳамда либослар кўргазмасида иштирок этган ҳар бир ҳамюртимиз кўнглидан ана шундай ҳислар кечган бўлса, ажаб эмас. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ўзбекистон — Ҳиндистон" дўстлик жамияти, Ўзбекистон Кураш Федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Миллий университет ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбир доирасида Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқали Қозоқовнинг ижодий асарлари намойиш этилди. Рассом ижодида миллий спортимиз жозибаси тасвирланган. Айниқса, кураш кийимида ва белида белбоғ бойлаган хорижлик полвонлар тасвири кўргазма иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

— Ўлмас меросимизга нисбатан

ёшлар ва хорижликларда қизиқишни орттириш, Ватанимиз обрў-этиборини юксалтириш" лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур тадбир ёш авлод қалбида она юртва муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини сингдиришда муҳим аҳамият касб этади, дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Бобоев. — Чунки миллий курашимиз нуфузининг юксалиб бораётгани ёшларимизни миллий қадрият, анъана ва бой маданий меросимизни қадрлашга ундайди. Ўз тарихини авайлаган ўғил-қизлари бор юртининг эса эртаси порлок, Ташкил этилаётган ҳар бир тадбирда кўпроқ ана шу жиҳатлар инобатга олиниши лозим. Бугунги тадбир ҳам ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларининг ҳаётга татбиқ этилишида муҳим аҳамият касб этади.

"Соғлом бола" йили муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиз маданият ва санъат намояндалари, Ўзбекистондаги хорижий дипломатик корпус вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этишди.

Ҳасан САЛОМОВ,  
"Milliy tiklanish" мухбири

## ◉ Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

### Ишонч қозониш — бирламчи масала

бунга партия дастурий мақсад-вазифаларини самарали амалга ошириш орқали эришилади

Маҳалла — халқимизга хос миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз маскани. Президентимиз ташаббуси билан мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиштиб борилмоқда.

ЎзМТДП сайловолди Дастурида халқимизга хос маънавий-миллий анъана ва қадриятларнинг ифодаси бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини оширишга кўмаклашиш устувор мақсад-вазифа сифатида белгиланган. Айтиш жоиз, бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда партия кўйи бўғинлари ҳамкорлигини ривожлантириш партия гоя ва дастурлари ижросини таъминлашда яхши самара бераётди. Термиз туманидаги "Учқизил" маҳалла фуқаролар йиғини қўшиқдаги Нигора Жумаева етакчилик қилаётган бошланғич партия ташкилоти ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоқда. 350 нафардан зиёд партия аъзосини бириктирган ушбу кўйи бўғин аҳоли орасида партия гоя ва мақсадларини тарғиб қилиш, партия сафини ҳар жиҳатдан фаол маслаҳатдошлар билан кенгайтириш борасида фаоллик кўрсатмоқда.

Маҳаллада аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш борасида ҳам ибратли ишлар олиб борилаётди. Хусусан, кўйи бўғин томонидан партия вилоят ҳамда Термиз туман Кенгаши раҳбарлигида сайловчиларга сайлов қонунчилигининг асосий қоидаларини тушунириш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир тарғибот тадбирлари ўтказиб келинаётди. Жумладан, "Фаол аёллар — жамиятимиз таянчи", "Буюк келажакни соғлом авлод яратди", "Миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарнинг ёшлар камолотида тутган ўрни", "Маънан етуқ, жисмонан соғлом ёшлар юрт истиқболни, келажакни", "Тинчлик ва барқарорлик — юртимиз тараққиётининг кафолати", "Оммавий маданиятнинг ёшлар онгига салбий таъсири", "Миллий хунармандчилик

— турмуш фаровонлигининг муҳим омили", "Маҳалла — маънавийтимиз бешиги, анъана ва қадриятларимиз маскани" каби мавзулардаги тадбирлар шулар жумласидандир.

Партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларида халқ хунармандчилигини янада ривожлантириш учун шариолат яратиш, миллий бозорни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Қолаверса, кейинги йилларда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик билан шуғулланиши йўлида яратилаётган имкониятлар уларнинг маҳаллаларда турли хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этишига туртки бермоқда. Шу боис, ушбу кўйи бўғин ўз фаолияти давомида соҳа вакиллари кўллаб-қувватлаш доирасида ЎзМТДП Термиз туман Кенгаши ҳамкорлигида саккиз нафар касб-хунар коллежи битирувчиларига тижорат банкларидан имтиёзли кредит олишда беминнат ёрдам кўрсатди.

— Мен болалигимдан ота-боболаримиздан мерос — гиламдўзлик хунарига қизиқман, — дейди кичик қорхона раҳбари Ойжамол Утамуродова. — Шу боис, анчадан бери гиламдўзлик цехини очишни ўйлаб юрардим. Яқинда орзуим амалга ошди. ЎзМТДП кўмағида банкдан олинган уч миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига замонавий гилам тўқиш ускуналарини харид қилдим. Гилам ишлаб чиқарадиган кичик цех очиб, натижада тўқизта янги иш ўрни яратилди.

Мазкур кўйи ташкилотнинг ўз фаолияти давомида жорий "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида ҳам олиб бораётган ишлари эътиборга молик. Ёшларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом тур-

муш тарзини шакллантириш мақсадида қатор амалий саъй-ҳаракатлари бунга мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин. Хусусан, кўйи бўғин ҳамда партия туман Кенгаши ҳамкорлигида "Соғлом оила", "Соғлом авлод - юрт таянчи" широри остида оилавий спорт мусобақалари ўтказилди.

— Мамлакатимиз муҳим сиёсий жараён — парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайлов арасида турибди, — дейди БПТ етакчиси Нигора Жумаева. — Бу йилги сайлов аввалгисидан тўдан фарқ қилади. Чунки одамларнинг онги ва дунёқарши, сиёсий маданияти, партияларга муносабати ва талаби юксалган. Мазкур жараёнда электротар ва сайловчилар билан қандан ҳамкорлик ўрната оладиган, улар билан бевоқиф фаолият олиб борадиган, партия гоя ва мақсадларини аҳоли орасида кенг тарғиб қиладиган муҳим бўғин бу — бошланғич партия ташкилотидир. Ана шу жиҳатни чуқур англаган ҳолда, кўйи бўғинимиз ишини янада жонлантириш, ҳар бир аъзо ва етакчининг масъулияти, уларнинг сайлов қонунчилиги борасидаги билимларини ошириш мақсадида семинар-тренинглари ташкил этилди. Шунингдек, кўйи бўғинимиз партия ваколатли, ишончли вакили ва кузатувчиларини тайёрлаш жараёнида бевоқиф иштирок этди.

Мухтасар айтганда, бошланғич партия ташкилотлари партия гоя ва мақсадларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда таъсирчан воситалардан фойдаланиши, жойларда амалга оширилаётган ишловлар жараёнида фаол иштирок этиши, ижтимоий муаммоларни ўрганиши, уларни ҳал этилишига кўмаклашиши, ЎзМТДП ҳамда электротар ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўтамоғи лозим. Бу, айниқса, муҳим синовлар арасида — сайловолди кампанияси жараёнида янада долзарб аҳамият касб этади.

Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА,  
ЎзМТДП Сурхондарё вилоят  
Кенгаши матбуот котиби

## ◉ Муносабат

### "Бахтим шу — ўзбекнинг Зулфиясиман"

(Давоми.  
Бошланиши 1-бетда)

Бундан ўн беш йил аввал Президентимиз томонидан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши ва ҳар йили ўзининг нобб истеъдоди, эришган ютуқлари учун юртимизнинг энг бахтли қизлари мазкур мукофотга лойиқ, деб топилиши ҳам шоирага бўлган эътибор намунаси. Ҳар йили баҳорнинг илк кунларида, шоира таваллуди арасида мазкур юксак мукофотни қабул қилиб олаётган Зулфияхоним издошлари бутун дунёга ўзбек қизларининг нималарга қодирлигини исботламоқдалар. Ҳеч қимдан кам бўлмаган навқирон авлод сифатида ўзлари танлаган турли соҳада юксак марраларни эгаллаб, давлатимиз раҳбари ишончини оқлашга, Зулфияхонимга муносиб издош бўлишга интилоқда.

Мазкур нуфузли, дунёнинг ҳеч бир мамлакатига қайт этилмаган давлат мукофоти соҳибаси сифатида "Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Президентимиз томонидан қабул қилинган қарор қалбимни ғурур ва ифтихорга тўлдирди баробарида зиммамдаги масъулиятни яна бир қарра хис қилишга ундади. "Зулфияхоним қизлари"нинг ўзига хос шоирга айланб улгурган "Мен шу гўзал юртининг бахтли қизиман!" деган сўзлар беихтиёр тилимдан кўчиб, қалбимни тўлқинлантирди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоли сифатида шоира таваллудини муносиб нишонлаш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий гояга содиқлик, олижаноб фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларида фаол иштирок этишни мақсад қилиб қўйдим. Халқимизнинг суюкли шоирасининг етуқ ижодий асарлари, ибратли ҳаёт йўлига бағишланган учрашув ва ижодий кечаларни партияимизнинг барча даражадаги ташкилотларида ўтказиш — шоира таваллудини муносиб нишонлаш, унинг сиймосига ҳурмат кўрсатиш билан бирга ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифалари рўёбига хизмат қилиши шубҳасиз.

Шоихода ДАМАНОВА,  
Зулфия номидаги Давлат  
мукофоти совриндори

## ◉ Ҳуқуқ ва бурч

Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари қандай вазифаларни бажаради, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида маълумот берилганми?

Мўътабар Эргашева,  
Қашқадарё вилояти  
Шаҳрисабз тумани

— Ишончли вакиллар деганда, сайлов жараёнида депутатликка кўрсатилган номзодлар номидан ҳаракат қилувчи шахслар тушунилади. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ташкил этиш ва уни ўтказишда ёрдам берадиган, номзоднинг депутат сифатида сайланиши учун тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадиган, давлат ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига биноан, ҳар бир депутатликка номзод ўн нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ишончли вакиллари ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакиллари рўйхатга олади ва уларга тегишли шаклдаги ғувоҳнома беради.

Депутатликка номзод округ сайлов комиссияга маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатдан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил бўлиш ихтиёрийликка асосланади ва у истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли. Бироқ, ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

Хусусан, ишончли вакиллари сайлов оқруғи ҳудудида яхши танилган, ўзига хос обрў ва нуфузга эга бўлган кишилар орасидан танланиши, номзод биографияси ва сиёсий партия дастурини яхши билиши сайловда ижодий натижага эришишнинг гаровидир. Депутатликка номзоднинг ишончли вакиллари бошқа депутатликка номзодлар ёки уларнинг ишончли вакиллари билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд улар томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақлидир.

Саволга ЎзМТДП фракцияси аъзоси  
Акмал РАҲМОНОВ  
жавоб берди.

## ◉ 2014 йил — Соғлом бола йили



### Ораста ва оқила қизлар

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан "Ораста қизлар" кўрик-танловининг мамлакат босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, "Соғлом авлод учун" халқро хайрия фонди, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган таълимнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида навқирон авлод, айниқса, қизларнинг пухта билим олиши, миллий анъана ва қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбияланиши, спорт билан шуғулланиши, замонавий касб-хунар сирларини эгаллашга йўналиштирилган тўғарақларга жалб этиш, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан бажарилаётган ишлар ҳажми ортмоқда.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида ўсмир қизлар соғлиғи ҳақида гамхўрликни кучайтириш, уларни спорт, бадий ижодиёт, касб қўнемаларини эгаллашга йўналтирилган тўғарақларга жалб этиш, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан бажарилаётган ишлар ҳажми ортмоқда.

2011 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан мамлакатимиздаги барча таълим масканларида "Ораста қизлар" тўғарақлари ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад ўқувчи-қизларда шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи қўнемаларини шакллантириш, экологик ва тиббий маданиятни юксалтириш, эрта турмуш қуриш ҳолларининг олдини олиш, никоҳ ёшидаги қизларга оила, унинг муқаддаслиги ҳақида тушунчалар беришдан иборатдир.

Бугунги кунда қизларнинг муомала, кийиниш, нутқ одобининг тўғри шаклланиши, катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик, озодалик, уй-рўзғор тутумига оид билим ва қўнемаларини эгаллашда ушбу тўғарақларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

— Мақтабимизда ташкил этилган "Ораста қизлар" тўғарақига кўллаб қизлар аъзо, — дейди Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 14-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дилноза Қодирова. — Мазкур тўғарақда олимлар, мутахассислар, "Қамолот" фаоллари, маънавият тарғиботчилари иштирокида ўтказилаётган машғулотлар ўқувчиларга узлуқсиз таълимга оид ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, миллий анъана ва қадриятлар, оила, жамият, Ватан олдидаги бурч ва масъулиятни янада теран англаш имконини бермоқда.

Кўрик-танловда иштирокчиларнинг сиёсий, ахлоқий, тиббий-гигиеник билимлари синовдан ўтказилди. Айни пайтда тўғарақ аъзоларининг ўз тенгдошлари қалбида ватанпарварлик, юрт тақдирини унун дахлдорлик, огоҳлик ва ҳушёрлик туйғусини тарбиялаш, уларда ўқишга бўлган қизиқишни кучайтириш, 12 йиллик узлуқсиз таълимнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, ҳонадон ва маҳалласини озода сақлаш каби амалий ишлари атрофича таҳлил этилди.

Танлов якунида ғолиб жамоаларга сертификат ва совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири



ЎЗА олдига суратлар.

## Фракция ҳаёти



## Мукамал қонунлар

осоишталик, фаровонлик ва электротар манфаатларини таъминлашга хизмат қилади

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида қўриб чиқилиши режалаштирилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.**

Депутатлар дастлаб "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишди. "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"га мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасининг асосий мақсад ва вазифалари ҳужжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг инвестиция жараёнларида иштирокини янада кенгайтириш, модернизациялашган инвестиция киритиш учун қўшимча шароит ва омиллар яратиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шунингдек, инвестицияларни рағбатлантириш усулларини кенгайтириш, инвесторларнинг ҳуқуқлари ва мулкани ҳимоя қилиш ҳамда Ўзбекистон ҳудудида уларнинг фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасида инвестиция фаолиятига оид асосий туншунчалар, инвестицияларни амалга ошириш шакллари қаторига интеллектуал мулк объектига эгаллик қилиш ҳуқуқи, инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари батафсил, аниқ белгиланмоқда. Шунингдек, инвестицияларнинг барча шакл ва кўринишларини амалга ошириш тартибларига оид туншунчалар, жараён субъектлари, хусусан, инвесторлар, буортмачилар, лойиҳа ишлаб чиқувчилар, пудратчилар, таъминотчилар ва бошқаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустақамлаб кўйилмоқда.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида амалдаги солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари ҳақида юзасидан аниқлаштириш бўлиб ўтди. Натيجида инвестиция фаолиятини рағбатлантириш тўғрисидаги модда киритилиб, шу орқали бир қатор янги нормалар ҳам қўшилмоқда.

Фракция аъзолари ўшбу қонун лойиҳасининг концепцияси партиянинг сайловолди

Платформасида белгиланган мамлакатимизда яратилган мақбул инвестиция муҳитининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш ва мамлакат инвесторларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган вазифаларни рўйбга чиқаришга хизмат қилишни таъкидлашди. Депутатлар шу нуктаи назардан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдириб, мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқулладилар.

Йиғилишда шунингдек, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳалари ҳам иккинчи ўқишда қўриб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳаларининг мақсади юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўлиқни тўлдирish, ўшбу соҳадаги қонунбузилишлар учун жавобгарликни белгилаш, шунингдек, фуқароларнинг давлат органларига мурожаатлари тартибидини янада такомиллаштиришдан иборат.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш, фуқароларнинг давлат органларига мурожаатлари тартибидини янада такомиллаштириш назарда тутилган. Бу борада киритилган янги нормалар, ўз навбатида, мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади. Шунингдек, қонун лойиҳасида ян-

гилик сифатида электрон мурожаат ва унинг тартибларига оид нормалар ҳам киритилган. Фракция аъзолари эътироф этишганидек, бугунги кундаги ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиб бораётганини эътиборга олиб, электрон почта орқали мурожаат қилиш тартибидини қонун билан мустақамлаш фуқароларга қулайлик туғдиради.

"Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасида эса қафқар фуқароларга эмас, балки юридик шахсларнинг ҳам мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш кўзда тутилмоқда.

Муҳокама қилинган қонун лойиҳаларига ЎЗМТДП мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишди. Жумладан, қонун лойиҳалари ўз мазмун-моҳияти билан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш, таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни янада ривожлантириш, амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлашга қўмлашди, ишлаб чиқилаётган қонун ҳужжатларига маънавий-миллий кадриятлар ва аъёнларнинг сингдириш каби партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларига ҳамроҳандир. Шулардан келиб чиқиб, ҳар икки қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга оид тавсиялар билдирилди ва улар иккинчи ўқишда қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

### Арслон ЭШМУРОДОВ, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимиз Конституциясида фуқароларнинг давлат органлари, муассасалар ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқи мустақамлаб кўйилган. Йиғилишда қўриб чиқилган ҳар бир қонун лойиҳаси ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан мамлакатимиз тараққиёти ҳамда халқимиз фаровонлигига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Хусусан, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига мурожаатлари тартиб-қоидаларини янада мустақамлаш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган. Ҳар бир мурожаат инсон тақдири билан бевосита боғлиқ. Юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари энг олий қадрият даражада қадрланиши ўшбу масалага жиддий эътибор билан қарашни тақозо этади. Шу боис мазкур қонун лойиҳасида белгиланаётган ҳар бир янги меъёр жисмоний ва юридик шахслар манфаатларига қаратилмоқда. Масалан, қонун лойиҳасида агар мурожаатда қайд этилган масала ёки муаммо уни бевосита ҳал этиш ваколатига эга бўлмаган давлат органига келиб тушган тақдирда беш кун ичида тегишли идорага юборилиши ва бу ҳақда мурожаат этган шахсга ёзма тарзда хабар қилиниши лозимлиги белгиланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мурожаатларни тез ва осон ҳамда уларда кўтарилган масалаларни ўз вақтида ҳал этишга имкон беради.

Қабул қилинаётган қонунларга бу каби нормаларнинг киритилиши партияимизнинг мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир шахснинг Конституция ва қонунларда қафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўйбга чиқариш, халқ фаровонлигига эришиш ҳамда демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишга қўмлашди сингари мақсад ва вазифалари ижросига хизмат қилади.

**Мухтарома КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

## Партия гуруҳларида

## Мансабдор шахслар ҳисоботини эшитиш

худудлар ривожидида муҳим ўрин тутди

*Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга ҳисса қўиши, электротар манфаатларини ҳимоя қилишда амалий ташаббуслар билан чиқиш, жойларда ечимини кутаётган масалаларни ҳал қилишга қўмлашди депутат фаолиятининг асосини ташкил қилади. Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи аъзолари бугунги демократик ислохотлар жараёнида фаол бўлиш, сайловчилар ўртасида астойдил ҳаракат қилмоқда.*

Жумладан, партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларига ташаббус-масалалар киритиш, фуқаролар мурожаати асосида депутатлик сўровларини амалга ошириш каби йўналишларда депутатларимизнинг фаоллиги кўзга ташланмоқда. Шунингдек, жойлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини тинглаш, электрон почта орқали мурожаат қилиш тартибидини назорат қилиш каби долзарб вазифалар ҳам доимий диққат-эътиборимизда. Зеро, партия гуруҳининг мазкур ваколати жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни илҳомий ҳал этишда муҳим ўрин тутаетир.

ЎЗМТДП Навоий вилоят Кенгаши ҳамда партия гуруҳи ташаббуси билан вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг ҳудуддаги ижроси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланди. Маърузада Дастурда белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишда маҳаллий ва халқаро ташкилотлар билан ижтимоий шерикликда муайян ишлар амалга оширилгани

эътироф этилди. Жумладан, кам таъминланган, имконияти чекланган 20 нафарга яқин ногирон болалар юртимиздаги ихтисослашган сиҳатгоҳларда, нуфузли клиникаларда жарроҳлик йўли билан даволанди.

Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази капитал таъмирланиб, замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди. Шунингдек, "Саломатлик-3" лойиҳаси асосида Навбахор, Нурота ва Конимех туман тиббиёт бирлашмаларига замонавий рентген ва ультратовуқ диагностикаси аппаратлари келтирилгани ҳам ҳудудда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли иш олиб борилаётганидан илоҳатланди.

Йиғилишда партия гуруҳи аъзолари соҳада ечимини кутаётган баъзи масалалар борасида ҳам ўз тақлиф ва тавсияларини билдиришди. Вилоят ногиронларни реабилитация қилиш маркази учун янги бино қуриш, истиқноат чекка ҳудудларида иштирок қилаётган аҳолини тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш, таълим муассасалари, хусусан, спорт мажмуаларида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш мақса-

дида улар учун махсус ўқувлар ташкил этиш масаласига эътибор қаратдилар.

Шунингдек, йиғилишда Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишларни ўрганиш мақсадида "Қишлоқ қурилиш инвест" масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси Навоий вилоят филиали директори вазифини бажарувчи И.Саидовнинг ҳисоботи тингланди.

Ўтган давр мобайнида ҳудуддаги жами 86 та мавзеда 2 мингдан зиёд уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилган. Жорий йилда яна 17 та мавзеда 677 та намунавий лойиҳадаги уйлар барпо этилиши кўзда тутилган эди. Шу кунгача мазкур турар-жойларнинг 437 таси ўз эгаларига тақдим этилди.

Депутатлар масъул раҳбарга электротар манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан саволлар билан мурожаат этишди. Шунингдек, улар намунавий турар-жойлар қурилишида иштирок этаётган ташкилотларнинг тажриба ва имкониятлари, қурувчилар учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар билан қизиқдилар. Тадбирда вилоятда жами 800 дан ортқ қурилиш-пудрат ташкилоти ташкилотларнинг моддий-техник базаси бугунги кун талаби даражасида эмаслиги таъкидланди.

Депутатлар йиғилиш кун тартибидидаги учинчи масала — аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳудудда амалга

оширилаётган ишлар хусусида вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси фаолияти юзасидан ҳисоботини тингладилар. Эътироф этилишича, вилоятда жорий йилнинг 8 ойи мобайнида 29 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилган. Уларнинг катта қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳоли ҳиссасига тўғри келаётир. Бундан ташқари, мазкур иш ўринларининг 69 фоизини кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари банд этмоқда. Йил якунига қадар кўрсаткичлар ҳажми янада оширилиши режалаштирилган.

Ҳисобот юзасидан депутатлар ўз нуктаи назарини ифода этар экан, Бандликка қўмлашди ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази туман бўлими билан ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорлигини янада кучайтириш тақлифини билдиришди. Чунки ўшбу марказда фаолият юритувчи меҳнат инспекторлари хизматидан фойдаланиш аҳоли орасидан иш билан банд бўлмаган фуқароларни аниқлаш, уларни қизиқиш ва мутахассислиги бўйича бўш иш ўринларига жалб этишда муҳим ўрин тутди.

Таъкидланганидек, бундай эшитувларнинг мунтазам равишда ташкил қилиниши ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, партия дастурий мақсад-вазифаларининг самарали амалга оширилиши эса электротар манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли орасида партия нуфузини янада мустақамлашга хизмат қилади. Йиғилиш якунида кун тартибидидаги масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Бахтиёр БОЗОРОВ, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари**

## Қонунчилик палатасида

## Янги авлод дарсликларини яратиш

бугунги куннинг долзарб талабидир

*Мустақиллик йилларида таълим тизимини ислоҳ қилиш, хусусан, мактабларни дарслик ва ўқув адабиётлар билан таъминлаш, уларнинг янги авлодини яратиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимиз томонидан бир қатор қарорлар қабул қилиниб, улар асосида умумтаълим мактабларини дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлашнинг яхши тизими яратилди. Агар бундан 23 йил олдин мактаб ўқувчиларининг атиги 55,4 фоизи дарслик билан таъминланган бўлса, бугунги кунда мазкур кўрсаткич 98,8 фоизга етганининг ўзиёқ соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар самарасини кўрсатади.*

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан умумтаълим мактаблари, шунингдек, академик лицей, касб-хунар коллежларини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ахборотлари эшитилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ таълими вазири, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда нашриёт мутасаддилари, дарслик ва қўлланмалар муаллифлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Халқ таълими вазирлиги мутасаддиларининг ахборотида мазкур йўналишда олиб борилаётган амалий ишлар хусусида батафсил маълумот берилди. Унга кўра, сўнгги уч йил мобайнида умумтаълим мактаблари учун 1400 дан ортқ номдаги 85 миллионга яқин нусхада дарслик ва ўқув-қўлланмалари чоп этилди. Мазкур дарсликларнинг 100 га яқини янги авлод дарсликларидир.

Янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини яратишда уларнинг мазмунига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, ҳар бир мавзуга янги педагогик технологияларни жорий этишни назарда тутиш, ўқувчиларнинг мустақил ва эркин фикрлай олишига эришиш, таълим босқичлари ўз-ўйлигининг таъминланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳар йили

қайта нашр этилиши режалаштирилган дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари мазмуни ва сифати бўйича олимлар, услубчи ва амалиётчи ўқитувчилар томонидан экспертизадан ўтказилиши йўлга қўйилган.

Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида чет тилидаги ўқув қўлланмалари янада такомиллаштирилиб, ҳам мазмун, ҳам сифат жиҳатдан янгиланмоқда. Шунингдек, "Соғлом бола йили" Давлат дастури асосида мактаб ёшигача бўлган болалар учун уларнинг нутқини ўстириш, фикрларини бойитиш, умуман, мактабга тайёрлашга қаратилган қўлланмалар чоп этилди. Бу каби ўқув адабиётларидан мактаб кутубхоналари орқали бепул фойдаланиш имконияти йўлга қўйилди. Мазкур саъй-ҳаракатлар фарзандларимизнинг баркамол бўлиб улғайишларига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бу борадаги ишлар Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ҳам самарали ташкил этилмоқда. Жумладан, 2009-2013 йилларда жами 1317 номдаги 3 миллиондан зиёд нусхада ўқув адабиётлари нашр этилиб, таълим муассасаларига етказиб берилган. Айниқса, коллеж ва лицей ўқувчи ҳамда ўқитувчилари учун инглиз, немис, француз тилларида янги дарсликлар чоп этилгани мазкур фанларни самарали ўқитиш тизимини янада мустақамлашди. Шунингдек, таълим муассасаларида ўқитилаётган ўзаро ўқуш, турдош фанлар, дарсликдаги мавзулар-



ни бирлаштириш, такомиллаштириш туфайли фанлар сони 1715 тадан 1614 тага ихчамлаштирилди.

— Бугунги эшитувдан қўлланган асосий мақсад — таълим сифатини юксалтиришга қаратилган ишларни янада ривожлантириш, айниқса, айрим дарсликларда кузатилаётган камчиликларни бартараф этиш, бу борада ҳамкорликни такомиллаштириш ҳисобланади, - деди қўмита раиси, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Абдуғафур Маматов. — Чоп этилаётган ўқув қўлланмаларини яратишда, энг аввало, уларнинг тили ва услубига эътибор қаратиш, ўқувчининг ёши ва психологик хусусиятларига қанчалик мос келишини инобатга олиш муҳим ўрин тутди. Шунингдек, ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш, янги авлод дарсликларини яратиш ишларини кенгайтириш лозим бўлади. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш каби дастурий мақсад ва вазифаларига ҳамроҳанг эканлиги билан эътиборга молик.

Қизгин мунозаралар асосида ўтган йиғилишда депутатлар томонидан нашриёт, таълим муассасалари ўқитувчилари, муаллифларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустақамлаш, шунингдек, китоб тақризчиларининг масъулиятини ошириш тақлифлари билдирилди.

Тадбир якунида муҳокама қилинган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Умида УЗОҚОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

## Илмий ҳамкорлик

халқлар дўстлигининг қўшқаноти

*Тарихи, маданияти ва қадриятлари муштарак, бир дарёдан баҳраманд, тили, урф-одати яқин ўзбек ва туркман халқлари азодан қўни-қўшинчиликда, аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Уларнинг маданияти, санъати ва адабиёти ҳамоҳанг. Туркман халқи Алишер Навоий газалларини севиб ўқиганидек, ўзбеклар ҳам Махтумқулини ўз шоиридек ардоқлайди.*

Яқинда Президентимиз Ислам Каримов Туркманistonнинг нуфузли Махтумқули номидаги халқро мукофоти, Туркманiston Президенти Гурбангули Бердимухамедов мамлакатимизнинг "Мустақиллик" ордени билан мукофотланишида чуқур рамзий маъно бор. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркманiston ўртасидаги муносабатлар, дарҳақиқат, юксак суръатларда ривожланмоқда. Давлатларимиз ўртасидаги яқин дўстлик, ишонч ва самимият, айниқса, илм-фан ҳамда маърифий алоқалар ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Икки давлат раҳбарларининг ташаббуси билан барча соҳалар каби маданий алоқалар ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда туркман халқи вакиллари тенглар ичра тенг бўлиб яшаганидек, Туркманistonнинг Тошхувуз, Лебап, Мари вилоятларида ҳам неча асрлардан бўён ўзбеклар яшаб келади. Уларда таълим олиш, илм билан шуғулланишга иштиёқ ва интилиш ҳаммиса кучли бўлган. Шунданми, улар орасидан етук адабиётшунос олимлар ва бошқа соҳалардан ҳам профессорлар етишиб чиқмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик таълим соҳасида ҳам ривожланиб бораёпти. Юртимиздаги ўқув юрларида туркманistonлик кўлаб ёшлар таълим олаётгани бунга мисолдир. Ўзбекистонлик олим-

ларнинг Ашхободдаги илмий фаолияти, хусусан, Туркманiston Фанлар академиясининг "Гун" ва "Чўл" илмий-тадқиқот институтларида олиб борган тадқиқот ишлари ана шундай хайрли ишлар сирасига қиради.

Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институтининг катта ўқитувчиси Аъзам Воҳидов кўёш энергиясидан фойдаланиш масалаларига доир илмий тадқиқот ишини Ашхободдаги Туркманiston Фанлар академияси "Гун" илмий-ишлаб чиқариш институтида олиб борди. Аъзамжоннинг айтишича, бу даргоҳда уни самимий кутиб олишган. Айниқса, кўёш энергиясидан фойдаланиш каби мураккаб, аммо ҳаёт учун зарур масалаларда илмий изланиш ҳимоясини ташкил этишда хайрихоҳлик кўрсатганлар.


— Ўзбекистон ва Туркманiston мустақилликка эришгач, ўзаро муносабатлар ривожига янги босқичга кўтарилди. Янги қўшничилик муносабатлари иқтисодий, маданий ва таълим йўналишларида яққол намойён бўлаётди. Илмий изланишларимизда мазкур илмий ишлаб-чиқариш институтининг директори, академик Ражаб Байрамов, катта илмий ходим Навзидон Курбанов, биринчи илмий оппонент — Туркманiston давлат университети иссиқлик физикаси кафедраси мудири, техника фанлари доктори, профессор Омон Хондурдиевларнинг беғараз ёрдами, самимий кўлаб-қувватлашлари гоёт катта бўлган, - дейди А.Воҳидов. — Илмий марказ билан мустаҳкам алоқа ўрнатганимиз. Ҳамкорликда яна кўлаб истиқболли гоё ва лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

Дарҳақиқат, икки қардош халқнинг илмий ва маърифий соҳадаги ҳамкорлик доираси кун сайин кенгайиб бормоқда. Бу борадаги илмий алоқалар, ўзаро ҳамкорликлар янада кенгайиши шубҳасиз. Зеро, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкамдир.

**Абдуғаффор ХОНОВ,**  
Ўзбекистон-Туркманiston  
дўстлик жамияти аъзоси



Анджон шаҳрида яшовчи Маъмураҳон Мелибоева оилавий тадбиркорликни йўлага қўйиб, миллий хунармандчилик анъаналарини муносиб давом эттириб келмоқда. У яратётган каштачилик, попопчилик буюмлари ўтмиш оҳанглари



ва замонавийликни ўзида уйғунлаштиргани мутахассислар томонидан юқори баҳоланган. Бинобарин, хунари ортидан оиласи обод бўлаётган чеварининг қўлидан чиққан маҳсулотлар харидорларга ҳар томонлама манзур бўлмоқда.

ЎЗА фотомухбири Зуҳридин УМУРЗОҚОВ олган суратлар

### © Қарор ва ижро

## “Улли ҳовли” сайёҳларни чорлайди

*Мамлакатимизда барча соҳалар сингари сайёҳликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунёнинг барча минтақаларидан келаётган сайёҳлар узоқ ўтмишдан сўзловчи қадимий осори-атиқалар, юртимизнинг бетакрор табиати ва миллий қадриятларимизга катта қизиқиш билдирмоқда.*

Президентимиз раҳнамолигида миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш тарихий обидаларни таъмирлаш, тиклаш, атрофини ободонлаштириш, туризмни ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Хоразм вилоятидаги “Улли ҳовли” қалъаси ҳам қайта тикланиб, янгидан чиroy очди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 мартдаги “2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги қарори воҳода инфратузилма, хизмат кўрсатиш ҳамда сайёҳликни янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Ушбу ҳужжатга биноан амалга ошири-

лаётган ишлар доирасида “Улли ҳовли” қалъаси замонавий сайёҳлик марказига айлантирилди.

— Марказимиз миллий хунармандлик, урф-одат ва анъаналаримизга оид экспонатлар билан бойитилган, - дейди “Улли ҳовли” сайёҳлик маркази раҳбари Давлатназар Ражабов. — Эндиликда сайёҳлар нафақат тарихий обидалар, балки катта Ғазовот канали соҳилида барпо этилган сўлим масканлар — ёзги ва қишки оромгоҳларда табиат манзараларидан баҳраманд бўлиш, миллий таомларимиздан татиб кўриш имкониятига ҳам эга бўлмоқда.

Бу ерда туя, от каби уй хайвонлари ҳамда

парранда боқиш йўлга қўйилган. Меҳмонлар тегирмонда ун ва гуруч тайёрлаш ҳамда улардан турли-туман таомлар тайёрлашига гувоҳ бўлади. Бу сайёҳлар оқимининг янада кўпайишига хизмат қилаётди.

Ўтган йили “Улли ҳовли”га мингдан зиёд чет эллик келган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич қарийб икки борабар ортиши кутилмоқда.

Марказда уюштирилаётган миллий ўйинлар, кураш мусобақалари, куй-кўшиқлар меҳмонларда қизиқиш уйғотмоқда.

— Президентимиз раҳнамолигида туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юртимизга келаётган сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилмоқда, - дейди “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари О.Раҳимов. — Шу кунларда Богот ва Шовот туманларидаги тарихий объектларда қайта тиклаш ва таъмирлаш ишлари бажарилаётди.

**А.ШОКИРОВ,**  
ЎЗА мухбири

*Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда “Чет тилларни ўқитишни жадаллаштиришнинг инновацион йўналишлари” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.*

Анжуманда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига амалга ошириш доирасида чет тилларни ўқитишнинг комплекс, яъни билимли, замонавий фикрловчи ёш авлоднинг шакллантиришга, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига изчил интеграциялашуви

## Чет тилларни ўқитишда замонавий технологиялар

йўналтирилган тизими яратилгани таъкидланди.

Бу борадаги кенг кўламли амалий чора-тадбирларда хорижий тиллар бўйича педагог кадрлар тайёрлаш, таълим масканларини хорижий тилларни ўрганиш бўйича ўқув адабиётлари ва мультимедиа дарсликлар билан таъминлаш юзасидан самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитишга оид ишлар-

ни давр руҳи билан ҳамоҳанг тарзда олиб бориш имконини бермоқда. Мазкур қарор чет тили ўқув фани сифатида бошланғич таълим таркибидан тўлиқ ўрин эгаллаши, ўқувчиларнинг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишда интерфаол усуллари билан таъминлаш, илгор педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама этилди.

Тадбир доирасида инглиз тили бўйича очик дарс машғулоти ташкил этилди.

ЎЗА

### © Банк хизмати

## Ўзбекистоннинг кредитлаш тизими жаҳон рейтингда юқори поғонага кўтарилди

*Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаш учун дадил интилмақда. Бунинг самараси барча соҳаларда яққол намойён бўлаяпти. Чунинчи, мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий юксалтиришга қаратилган ислохотларнинг беқийёс самаралари халқро миқёсда ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда.*

Жаҳон банки ҳамда Халқро молия корпорацияси “Бизнеси юритиш — 2015” (Doing business) бўйича мамлакатларнинг янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон қўлай ишбилармонлик муҳити кўрсаткичлари бўйича жаҳоннинг 189 давлати орасида охириги бир йил мобайнида 8 поғона юқорилаб, 141-ўринни эгаллади.

“Кредит олиш” индикатори бўйича эса рейтинг кўрсаткичларининг бундан-да юқори ўсиш суръати таъминланди. Яъни ўтган йилдаги нисбатан бир йўла 26 поғона илгариллаб, 104-ўринга чиқди.

Мазкур салмоқли натижалар, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган тараққиётнинг “Ўзбек модели” самаралари, макроиқтисодий барқарорлик ҳамда чуқур таркибий янгиланишларни ўзида ифода этиб тургани билан аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, мамлакатимизда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити ва

бизнес юритишнинг тобора такомиллаштирилиб борилиши кўлга киритилган натижаларни муваффақиятимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлди.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш борасида кўлаб аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу жараёнда банк тизими босқичма-босқич ислохот этилиб, уларнинг ресурс базаси мустаҳкамланди. Шу билан биргаликда, кўрсатилган замонавий банк хизматлари сифати тубдан яхшиланди, айниқса, кредитлаш ва фойз сиёсати барча йўналишларда кенг кўлаб ва миқёс касб этди.

Жаҳон банки ҳамда Халқро молия корпорациясининг ушбу йиллик ҳисоботи ҳар йили мунтазам эълон қилиб келинади. Бу гагли ҳисоботда дунё давлатларидаги бизнес юритиш шароити турли мезонларга биноан баҳоланди.



Халқро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон “Кредит олиш” индикатори бўйича рейтингини янада яхшилаш ва юқори ўсиш суръатларига эришиш учун катта имкониятларга эга. Бинобарин, республика Марказий банки кредит ахбороти алмашинуви ҳамда гаров таъминоти бўйича келишувларни амалга ошириш юзасидан муайян тахриба тўплаган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон “Кредит алмашинуви индекси” кўрсаткичи бўйича мавжуд 8 балли тизимда 7 баллга баҳолалини Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD)га аъзо давлатларга берилган кўрсаткичдан кўра анча юқоридир.

Умуман олганда, Жаҳон банки ҳамда Халқро молия корпорациясининг бу йилги ҳулосаси Ўзбекистонда тарихан қисқа давр ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий ҳамда сиёсий барқарорликнинг қафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирувчи кучга айланганини, қўлай ишбилармонлик муҳити ҳамда мустаҳкам банк тизими қарор топганини халқро миқёсда тасдиқлади.

Ўз мухбиримиз

*Ижодкор халқимизнинг қалб кўри, кўз нури билан яралган миллий дўппиларимизни ҳақиқий маънода санъат асарига менгаши мумкин. Кўринишдан анча ихчам дўппиларда олам, қоинот акс этгандек, гўё. Дўппиларимиздаги камалак мисол сержило ва мукамал нақшлар, сувратлардаги чуқур рамзий маъноларда халқ руҳиятининг гўзал бир бўлаги, гурури яшаётганга ўхшайди. Уларга қараб шоирнинг: “Қайса бормай, бошда дўппим, гўз юрарман сердайиб” деган машҳур мисралари ёдга тушади ва беҳишёр фахру гурур туюсиз.*



ўтиб, доимий равишда янгиланиб боради. Шунданми, кашталардаги нақш услубининг асосий белгилари ўрта Осиё амалий санъати ва ўрта аср миниатюраларига хос бой нақшу ниғорларга ўхшаб кетади.

Дўппи кашталарида асосан ўсимлик ва гуллар тасвирланган. Ўсимликлар тасвири кўпинча ёрқин рангдаги қўшчалар тасвири билан жонлантирилган. Қизиғи шундаки, қадимги хитой, япон ва корей санъатида қарашларида ҳам ўзбек дўппиларида мавжуд орнаментлар учраб туради. Бир-бирининг кетидан қувиб юрвчи оқ-қора балиқчалар ва учта кетма-кет чизикчалар хитой ҳамда японларнинг деярли барча фалсафий таълимот ва миллий либосларида акс этган. Улар узоқ умр, бойлик ва саломатлик рамзини англатади. Ўзбек дўпписининг улардан фарқи шунки, тепа қисмининг тўрт томонида фақат згулик (оқ балиқча) тиласолининг андозаси туширилган. Бу згулик энергиясининг тўрт томонга тўрт баробар куч билан ёйилиб туришини билдиради. Борлиқнинг қурилишини акс эттирувчи уч қаторли чиниқчалар эса дўппининг тўрт ёнбошида тўрт мартадан тасвирланган бўлиб, олам диалектикасининг рамзларини ўзида мужжасман этган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ўзбек, хитой, япон ва корей халқлари тушунчаларидаги оқ ва қора балиқчалар шакли қаердан пайдо бўлган? Олам тузилиши ва тараққиётнинг қарама-қаршилиқлар кураши-

га асосланган фалсафаси Марказий Осиё халқлари орасида қадимдан мавжуд бўлиб, у зардуштийлик, буддпарастлик даврида янада такомиллашган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, хитойдаги дао таълимоти вакиллари бир-бирини қувиб юрвчи оқ-қора балиқчалар сурати ва фалсафасини эрамининг I-III асрларида буддавий роҳиблардан ўзлаштиришган. Бироқ, буддавийлик таълимоти қадимги Хитойга айнан бизнинг ҳудуддан, яъни I асрларда кириб келган. Нақшларнинг айнан бу хил кўриниши ҳам шу даврда Хитойга, у ердан эса Япония ва Кореяга кириб борагани ҳақиқатга анча яқин. Шундай экан, бу суратларнинг моҳиятини яхши англамасдан туриб, оддий қалампирга ўхшатиш ноҳоиз. Минг-минг йиллик халқ фалсафасини ўзида мужжасман этган ўзбек дўпписининг асл моҳиятини тўғри англаш ва талқин қилиш лозим. Қолаверса, дўппиларнинг мумтоз нақшларига билиб-билмай ўзгартириш киритишдан ҳам эҳтиёт бўлиш зарур.

Энди тасаввур қилинг, олам ва одам моҳиятини ўзида қамол даражада акс эттирувчи нақшлар туширилган дўпписини бошида олиб юрвчи халқ ҳеч қачон, ҳеч қимдан кам бўлмайди, завол топмайди. Чунки унинг бошида дўпписи бор!

**Эркин МУСУРМОНОВ,**  
филология фанлари  
номзоди,  
Ориф ХОЛИҚУЛЛОВ,  
“Milliy tiklanish” мухбири

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

# Инсон бахти ва фаровонлиги негизи

*Инсон бахти учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларга, аввало, тинчлик орқали эришилади. Тинчлик ҳужумрон бўлсагина буюк ва эзгу орзуларни кўнгилмизга тугушимиз, уларнинг рўйи учун интилишимиз мумкин. Юрти тинч, кўнгли хотир-жам халққа тўю тантаналар, шодлигу хуррамлик ярашади, байрамлар татийди, ахиллик ва тотувлик, қут ва баракка ҳамдам бўлади. Халқимиз бу олий неъматни доим улуғлаб келишимиз, ҳар сафар дуога қўла очганда Яратгандан, аввало, эл-юртга тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ва ободлик тилашимиз сабаби ҳам шунда.*

*Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасидан

ва тараққийнинг ҳаётбахш самараси йил сайин чирой очиб бораётган кишлоқларимиз қиёфасида ҳам ўз аксини топмоқда. Бугун кишлоқ аҳли замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган кўркам турар-жойларда истиқомат қилмоқда. 2009-2013 йиллар мобайнида мамлакатимизнинг 159 та кишлоқ туманида намунавий лойиҳалар асосида 900 дан ортик янги уй-жой массивлари барпо этилди, 33 минг 500 дан зиёд яқна тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди. 732 километр асфальт қилинган автомобиль йўллари, мингдан ортик ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объеклари барпо этилди. Ўтган йилнинг ўзида кишлоқ ҳудудлардаги 353 массивда 10 мингта шинам уй-жой қурилди. Янги массивларда шарқона усудда, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, табиий иқлим шароити, замонавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, баҳова, ёруғ, кенг ва қулай қилиб тикланаётган уй-жойлар қурилиши қўла-ми жорий йилда ҳам янада кенгайгани халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши, муносиб ҳаёт кечиришига хизмат қилаётди.

Инсоннинг инсон сифатида эмин-эркин яшашига имкон яратадиган тинчлик ва тотувлик ўз-ўзидан келмайди. Бинобарин, йигирма уч йиллик мустақил тараққийимиз йўлида элу юртимиз қанчадан қанча оғир синовларни бошдан кечирганини унутиб бўлмайди.

“Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китобида қайд этилишича, 1989 йилнинг май ойида Фарғона вилоятида бузғунчи қучлар томонидан ташкил этилган оммавий тартибсизликлар июннинг охирига қелиб ниҳоятда авж олиб кетди. 25 июнь куни эса Ислам Каримов жанжал-тўполонлар алангаси ичида қилиб кетган Фарғонага йўл олади. Ловиллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган шаҳар ва кишлоқлар, қаҳр-ғазабга тўлган одамларнинг ичига дадил кириб боради. Улар билан чин дилдан, ҳеч нарсани яширмастан очик гаплашади. Бу инсонларнинг шу вақтга қадар ҳеч ким эшитмаган оху оҳуларини тинглаб, ўзининг юракдан чиққан самимий ва ҳаққоний сўзлари билан ба-мисоли уларнинг қалбидаги жараҳатларга малҳам қўйгандек бўлади, кўнгулларда сўнган умид учкунларини ўйотади. Тартиб-интизомни тиклаш, қон тўқилишининг олдини олиш бўйича бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, аниқ чора-тадбирлар кўради.

Президентимиз томонидан ана шундай қатъият ва жасорат билан олиб борилаётган оқилона сиёсат сабаб мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиб турибди. Бирок ён-атрофимизга уйғоқ назар ташла-сак, дунёнинг турли давлатларида нотинчлик сабаб одамлар жисман ва маънави эзилаётганига, инсон қадири топталаётганига гувоҳ бўлаемиз. Бу мамлакатларда дегарли ҳар куни беғунох инсонларнинг қони тўқилаётди. Мактаблар, шифохоналар, маданият ва маърифат масканлари, йирик иш-лаб чиқариш иншоотлари, аҳоли турар-жойлари харобага айланмоқда.

Ораминиз бир дарё ажратиб турган қўшни Афғонистонда салкам қирқ йил-дирки нотинчлик. Уруш жафокаш афғон халқи бошига не-не кулфатларни солма-япти дейсиз. Бекарорлик туйғайли мамлакат иқтисодийи издан чиққан, маданият ва маърифат даргоҳлари харобага айланган, эл-юртдан қут-баракка ариган.

1993 йилдаёқ давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан туриб, дунё ахли эътиборини Афғонистон моjarосига жалб этганди. Президентимиз кўпала халқаро конференцияларда Афғонистондаги вазиятни фақат ҳарбий куч ишлатиш орқали ўнглаб бўлмастлигини, бу мамлакатда тинчлик ўрнатиш учун қарама-қарши томонларни муросасага келтириш, қатор иқтисодий ва гуманитар масалаларни ҳал қилиш, халқнинг урф-одатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарурлигини таъкидлаб келади. Халқаро экспертлар бу фикрлар нақадар тўғри эканини қайд этмоқда.

2010 йили Қирғизистон жанубида содир бўлган воқеалар тинчлик аталмиш буюк неъматнинг нечоғли қадрли баянда эканини яна бир бор уқтирган-дек бўлди. Ўша вақтда давлатимиз

раҳбари бу муаммонинг туб сабабларига, фитнанинг эҳтимол тутилган ташкилотчиларини аниқлашга, юз минглаб болалар, қариялар ва аёллардан иборат қочқинларга бошпана беришга эътибор қаратди. Миллатлараро низо, ҳатто давлатлараро қарама-қаршиликнинг олдини олди. Вазият ўнганганидан кейин бутун дунё Ўзбекистон раҳбарияти эҳтиросга берилмасдан, вазминлик билан тўғри қарор қабул қилганини, минтақавий даражадаги катта фалокат келиб чиқишига йўл қўймаганини очик эътироф этди.

Бу воқеалар Ўзбекистоннинг узоқни кўзлаган ташқи сиёсати тинчликпарварлик, ўзаро тенглик, ҳурмат ва манфаатдорлик тамойиллари, умумбашарий тараққийёт голяри асосига барпо этилганини намоён қилди. Терроризм, экстремизм, наркотик моддалар контрабандаси, экологик инқирозлар билан боғлиқ муаммоларнинг долзарблиги ошиб бораётган, улар ҳақида ҳар куни бонг урилаётган ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати қанчалар оқилона ва оқилона йўл эканини, энг муҳими, бу позиция мустақилликнинг дастлабки йилларидан буюн ўзармай келаётганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Халқимиз тинчликни юксак қадрлайди, ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўёбга чиқишининг муҳим кафолати деб билади. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида истиқлол йилларида эришган энг катта бойлигимиз халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётидир. Жамиятимизда қарор топган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олжанов фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун яшаш тамойили янада мустаҳкамланиб бораётди. Зотан, осойишта ҳаёт, аввало, бу одамлар ўзаро аҳил-инок яшаб, яхши кунларини баҳамжиҳат ўтказишидир.

Оммавий ахборот воситалари орқали дунёнинг айрим мамлакатларида бўлаётган нотинчликни, уруш-тўполонни, тартибсизликларни кузатар эканмиз, она заминимиздаги тинч ҳаёт, мусаффо осмон билан фахрланамиз. Бугунги кунда Шимолӣ Африка, Шарқӣ Европа, Яқин Шарқ минтақасидаги баъзи мамлакатлар халқларининг ҳам ҳаловати бузилган. Бу мамлакатларда аҳоли бомбардимонлар, зўравонликлардан, тинимсиз отилаётган снаряд ва ўқлардан оиласи, ўз жонини асраш учун уйини, Ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлмоқда.

Сайёрамизнинг турли минтақаларида рўй бераётган бундай муқдих воқеаларга уйғоқ кўз, теран тафаккур билан қараш ва баҳо бериш лозим. Бу муаммоларга менинг дахлим йўқ, деган тушунча билан яшашнинг, бепарво ва лоқайдлик билан қарашнинг даври ўтган. Инсон қалбини тилка-пора қиладиган қонли моjarолар тўсатдан пайдо бўлиб қолмаганини, ушбу мамлакатларга нисбатан узоқ йиллар давомида аниқ мақсадга қаратилган ахборот хуружлари олиб борилиганини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Хунрезликлар, галаёнлар ортида қандай гиразлик мақсад яширинганини соғлом фикрловчи ҳар бир инсон тушуни турибди.

Юрт тинчлиги — улуғ неъмат, барқарор тараққийёт гаровидир. Зотан, тинчлик ва барқарорлик ҳужумрон бўлган мамлакатдагина илм-фан, маданият юксак тараққий этиши, бунёдкорлик ишлари ривож топиши, юрт гуллаб-яшнаши мумкин.

Тинчлик ва тараққийётнинг асоси бўлиши оғоҳлик қўлами ва залвори кенг тушунча. Оғоҳлик илму маърифатдан, борлиқнинг маъмуру ва хоҳиятидан хабардорлик, инсоннинг ўз камолоти ҳақида муттасил ўйлаши, дунё воқеаларига, ўз қисматига бефарқ бўлмай, хушёр ва сергаҳлик билан ўзини мунтазам назорат қилиб, тарбиялаб боришини, ҳаётда гурур билан яшашини ҳам англатади. Бугунги дунёда ўзининг қадр-қиммати-ни, гуруру ва ор-номусини англаб яшайдиган, ўз кучи ҳамда қудратига ишонган, ўз меҳнати, ақл-заковати билан келажакни қуришга ва ўз юртини ҳимоялашга қурби етадиган давлат ва халқни жаҳон ахли тан олади ва ҳурмат қилади. Ўзбекистонимизнинг, халқимизнинг жаҳон узра обрў-эътибори, нуфузи ошиб бораётгани бунга ёрқин мисолдир.

Бехзод НОРБОЕВ



Сурхондарё вилояти Шеробод тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамда кўп тармоқли туман марказий поликлиникаси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тиббиёт бирлашмасида тўғруқ мажмуаси, хирургия, шошилч тез тиббий ёрдам, болалар, терапия, диагностика бўлимлари ва лаборатория мавжуд бўлиб, уларда ўттизга яқин малакали шифокор ҳамда 300 нафардан зиёд ўрта тиббиёт ходими хизмат кўрсатмоқда. Муассасанинг моддий-техник базаси мустаҳкамлангани самарасида ташхис қўйиш ва даволаш ишлари янада яхшиланди.



ЎЗА фотомухбири Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган суратлар

Қарор ва роғро

## Эътибор ва рағбат

истеъдодларни кашф этмоқда

*Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлод вакиллари юксак салоҳият ва пухта билим соҳиби этиб тарбиялаш мақсадида жаҳон андозаларига мос таълим масканлари, санъат ва спорт иншоотлари қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. Кўрсатилган бундай юксак эътибор туйғайли илму фан, спорт билан бир қаторда санъатда ҳам юқори ютуқларга эришиб, билими, иқтидори ҳамда қобилиятини кенг миқёсда намоён этишга интилаётган шижоатли ўғил-қизларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Инсоннинг маънавий камолотида мусақанинг ўрни беқийс. Боси дилортар куй-қўшиқларни севиб тинглаймиш, улардан завқ олавиш, фарзандларимизни болалигидан қанчалар ошно қилиб тарбиялашга ҳаракат қилаемиз. Мутахассисларнинг фикрича, чинакам мусиқий асар ёш авлод онгу тафаккурини бойитишга қолмай, уларнинг қалбида эзгу фазилатларни ҳам шақллантиради.*

Истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъати мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури йўлида” ги қарори асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий, ҳар томонлама қулай мусиқа мактаблари қад ростламоқда. Мавжудлари қайта таъмирланиб, уларнинг моддий-техник базаси яхшиланди. Ўтган йиллар мобайнида бу борада амалга оширилган кенг қўламли ишлар самарасини юртимизнинг энг чекка ҳудудларидан туриб ўз истеъдодли ва маҳоратини намоён этаётган йигит-қизларнинг ижодий парвозларида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ана шундай эзгу ташаббус натижасида бутунлай янги ҳаётга касб этди. Яратилган қўлай шароитларга яраша ўқувчиларни танлаш, уларнинг иқтидорини шақллантириш борасида ҳам ижодий ўзгаришлар қилинди. Бугун бу ерда иқтидорли ёшлар миллий ва жаҳон мусиқа санъати сирларини мукамал эгалламоқда. Улар орасида давлат мукофоти совриндорлари, халқаро танлов голиблари бор. Биргина 2012 йилда ўттиз нафардан зиёд ўқувчи Италия, Франция, Бельгия, Руминия сингари давлатларда ўтказилган халқаро танловлардан иштирок этиб, голиблар сарфидан жой олди. Ўтган йилнинг май ойида Италиянинг Перуджи шаҳрида халқаро бола-лар мусиқа фестивали ва унинг доирасида ташкил этилган “Musica d’inieme associazione” танловида ушбу академик лицейнинг бир гуруҳ ўқувчилари муваффақият билан қатнашди.

— Фестиваль давомида ўнлаб ўзбек халқ кўшиқлари ва мусиқаларини ижро этдик, — дейди ёш созанда Ислам Умрзоқов. — Халқимизнинг умрбоқий қадриятлари, маданияти ва санъатини намоён этиш бизга ишониб топширилганидан бошимиз осмонга етди. Фахр-ғурур туйдик. Қарши шаҳридаги 1-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам тубдан янгиланди. Уни лойиҳалаштиришда бино деворлари, эшиклар, ўқувчиларни ҳатто, парда ва электр чироқларига мусиқа машғулотларини ўтказиш учун мослаштирилди. Айни кунда мактабда ўқувчиларга рақс, тасвирий санъат, фортепьяно, баян, аккордеон, зарбли асбоблар, торлар чолғу асбоблари каби ўнга яқин йўналиш бўйича сабоқ берилмоқда. Мактаб ўқувчилари юртимиз ва чет элларда ўтказилган қатор фестивал ҳамда танловларда голибликни қўлга киритиб келишмоқда. Жумладан, жорий йил болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги” республика голибликни қўлга киритиб келишмоқда. Мана, икки йилдирки, Элдор Бобоев ана шу мактабда “Анъанавий хонадалик” йўналиши бўйича таҳсил олади. Элдор “Камалат юлдузлари — 2012”, “Янги овозлар” каби вилоят ва республика миқёсидаги кўрик-танловларда совриндор бўлди.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлод-нинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, иқтидорини ривожлантириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа намуналаридан кенг баҳраманд бўлишда яратилаётган шарт-шароитлар бугунги кунда ўз натижасини бермоқда. Ёшларимиз ижодий соҳа, хусусан, ижрочилик йўналиши бўйича республика ва халқаро танловларда юксак муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Жумладан, 2013 йилда 107 нафар иқтидорли ўғил-қизларимиз Франция, Италия, Украина, Озарбайжон ва Руминияда бўлиб ўтган халқаро танловларда фаол қатнашиш голибликни қўлга киритди. Боладаги иқтидорини шақллантириш, фанларни чуқур ўзлаштиришда нафақат чолғу асбоблари, шу билан бир қаторда, ўқув қўланма ва дарсликларнинг ҳам муҳим ўрни бор. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Бадий академия ҳамда Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан мусиқа ва санъат мактаблари ўқув дарсликлари, қўланма, нота ҳамда зарур материаллар билан таъминланяпти. Биргина, 2013 йили Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти З. Муҳаммадjonовнинг “Фортепьяно” ансамблини ўқитиш услубиёти”, О. Абдуллаевнинг “Сольфеджио” ҳамда Х. Турсунонининг “Кўшиқлар сеҳри” номли ўқув қўланмалари чоп этилиб, барча болалар мусиқа ва санъат мактабларига етказилди. Эътиборлиси шундаки, Давлат дастури қабул қилинганга қадар, ушбу йўналишдаги мактаблар машғулотларда 38 минг бола қатнашган бўлса, бу кўрсаткич 2013 йилда 52 мингдан ошиб кетди. Президентимизнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарини таъкидлаганидек: “... ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг мумтоз асарлари билан бирга, уларнинг қайфияти ва интилишларига мос келадиган замонавий эстрада санъати намуналаридан кенг баҳраманд бўлиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мусиқий таълимни янада ривожлантириш масалалари ўта муҳим аҳамият касб этади”. Ишончимиз комилки, жаҳон илм ахли тан олган “Ўзбек модели” асосида таълим-тарбия олаётган, санъат сирлари билан сирлашаётган бугунги ёшлар буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиб, юртимиз шон-шуҳрати ва тараққийини юксалтиришда ўзларининг муносиб хиссасини қўшадилар. Зеро, бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд.

Дилфуза РЎЗИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

## Бизнинг шарҳ

### Сиёсий PR

уни амалга ошириш усуллари



**Сиёсий PR муайян бир сиёсий партия ёки сиёсатчига нисбатан ишончли шакллантиришга хизмат қилади. Бугунги кунда сиёсий PR омманинг маълум бир партия ёки алоҳида номзодга ижобий фикрни шакллантирувчи муҳим воситага айланган.**

Ҳар бир сиёсий партия омма орасида ўзининг энг яхши сифатлари билан намоён бўлишни истайди. Бу борада сиёсий PR усулларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий PRнинг стратегик мақсадлари сиёсий имижни ташкил этиш ва шакллантириш, давлат аҳамиятига молик муҳим муаммоларни ифодалаш ва мақсадни тўғри аниқлашдан иборат. Тактик мақсадларга эса сайловчилар билан коммуникация техникасини тўғри танлаш, сайлов кампаниясини тўғри ташкил қилиш, сиёсий муаммоларни ифодалаш, сайлов кампанияси бошқичларини тўлиқ амалга оширишдан иборат. Бундан хулоса шуки, хайрихоҳлар сонини ошириш сиёсий PRнинг бирламчи вазифасидир. Сиёсий PR учун мунддат унчалик аҳамият касб этмайди, балки якуний натижа муҳимдир. Шу боис сиёсий PRда амалга ошириладиган ишлар шошилинч эмас, аксинча, жиддий мулоҳаза, таҳлил ва пухта режа асосида бошқичма-бошқич олиб борилади. Шу тариха асосий мақсадга — тарафдорлар сони ўсишига эришилади.

Маълумотларга кўра, сиёсий PR XX асрда пайдо бўлган. 1956 йилда америкалик реклама агенти Жон Шнайдер "Олтин най" романини чоп этди. Мазкур асарда 1952 йилда АҚШда ўтказилган президентлик сайловлари пайтида одамларга нисбатан қўлланган руҳий таъсир ўтказиш усуллари баён этилган. Уша йили сайловолди жараёнда ҳар икки сиёсий партиядан реклама билан шуғулланувчи мутахассислар фаол иш олиб борган. Шунинг учун, айнан 1952 йил

сиёсий PRнинг пайдо бўлиш санаси сифатида эътибор этилади.

АҚШда Республикачилар партиядан номзод сифатида кўрсатилган Вайт Дэвид Эйзенхауэр реклама агентларининг илғор ишлари натижасида яна президентлик сайловларида галаба қозонди. Ушунда реклама берувчилар оммага таъсир ўтказишнинг турли психологик усулларини ўйлаб топшарди. Президентликка номзод Д. Эйзенхауэр сайловчилар билан учрашувда атом қуроли ҳақида нутқ сўзламоқчи бўлганда, унинг агентлари бу фикрга қарши чиқиб, бундай зерикарли нутқни ҳеч ким тингламаслигини тушунтиришди: "Агар сиз америкаликларда таассурот қолдирмоқчи бўлсангиз, у ҳолда атом асри ҳақида гапиришга ҳожат йўқ. Уларни кўпроқ шу шанбада яқинроқ дўкондаги нарх-наво қизиқтиради".

PR агентлари ҳақ эди. Зеро, одамларни ҳамisha тўловлар ва шу каби бошқа маиший муаммолар қизиқтиради. Буни "Ураб-чирмаб кўйилган жон" - Америка фуқароларининг стандартлашуви тушунчаси синоними, дея эътироф этиш мумкин. Шундай қилиб, муайян аҳоли қатламга мурожаат этиш ва унинг муаммоларини ҳал қилишга ҳаракат қилиш — сиёсий PRнинг асосий принциплари ҳисобланади.

Халқимизда "Кийимга қараб қарши олинса, одоби, сўзига қараб кузатилади", деган нақл бор. Мазкур нақлда улкан ҳақиқат яширин. Зеро, ташқи имиж ҳар қанча жозибадор бўлмасин, агар унинг замирида талқин қилсак, айтиш бўлмаса жозибаси лаҳзаларда тусини йўқотади, аниқроғи, унга "сирти ялтироқ, ичи қалтироқ", дея қўл сийтайди. Бу билан дастлабки тасаввурни уйғотиш омили бўлган ташқи қиёфани иккинчи даражага тушириб қўйиш ниятида эмасмиз, холбуки, бу том маънода нотўғри хулоса бўлади. Сиёсий партиялар тимсолида талқин қилсак, айтиш жоизки, партиялар ўзларининг кучли ва ҳар томонлама пухта тузишга интилган дастурлари сингари ташқи кўриниши — ўз белгиларига эга бўлишлари муваффақият қалитидир.



Қоидага кўра, ташқи кўриниш яратувчилари унинг ярқ этиб кўзга ташланиши, кўзни қувонтириши ва осон ёдда қолишига эътибор берилади. Ташқи кўриниш ўзига хос ташриф қоғози. Бугунги кунда ҳар бир партиянинг аҳоли томонидан осон таниладиган логотипга эга бўлиши партия ташқи қиёфасини шакллантиришда жуда муҳим.

"Инсон томонидан қабул қилинадиган ҳар бир нарсанинг ўз ранги, номи, имиж бор. Имижсиз нарсалар бўлмайди. Унинг мавжуд эмаслиги ҳам имиж, муҳими у атрофдагиларда ҳушёрлик туйғусини уйғотади". Агар жамоатчилик орасида партиянинг муаммоларини ҳал этиши, яхши "маҳсулотлар" бераётгани ва масалаларга тўғри ёндашаётгани тўғрисида фикрлар уйғонса, буни партиянинг муваффақияти сифатида қабул қилиш мумкин. Зеро, сиёсий "маҳсулот"га нисбатан эҳтиж туйғилиши ва унга таъсир ўтказиш имкониятини юзга келтириш партиянинг бирламчи вазифасидир.

Яхши имиж — бу нафақат муваффақият гарови, балки инқирозли шароитларда керак бўладиган ишончли капиталдир. Жамоатчилик билан алоқалар имижни яратади. Бу мақсадга кўпроқ матбуот, телевидение, радио ва интернет орқали ахборотни самарали тарқатиш йўли билан эришилади. Партиянинг жамоатчилик билан алоқалари сиёсий гонлар ташвиқоти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, сиёсий тақлифларнинг барча жиҳатлари ва ўзаро муносабатлари ҳақидаги ахборотни қамраб олади. Бу иш бошқа партияларга қарши йўналтирилган бўлиши мумкин ва шу ҳолатда ҳам заиф исботланган далилларга қарши исботлар кўмагида тасдиқланиши лозим.

Бугунги кунда ҳеч иккиланмасдан сиёсий партиялар Жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш хизматларининг замонавий талабларига мослашганини айтиш мумкин. Натижада ОАВда сиёсий партиялар фаолиятига доир ахборотлар сони йил сайин ўсиб бормоқда. Ўз навбатида аҳолининг партиялар борасидаги билим ва кўникмалари ортаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Сиёсий PR усуллари — бу белгиланган вазифаларни бажариш бўйича комплекс тадбирлар, улар ёрдамида бир тузилмани олиб чиқиш ва бошқасини инкор қилишга қаратилган коммуникатив мақсадларга эришиш йўлидир. PR мутахассислари кампанияни ўтказиш

да турли восита ва усулларни ишга соладилар.

Сайлов кампанияси — бу бўлғуси сайловда сайловчиларнинг кўпроқ кўмагини ўзига қаратиш мақсадида сиёсий партиялар ва номзодлар томонидан ўтказиладиган тарғибот ва ташвиқот ишлари тизимидир. Сайлов кампанияси мураккаб ва кўпқиррали тушунчадир, унга турлича ёндашиш мумкин.

Сиёсатчи учун сайлов (сайловолди) кампанияси номзодларни илгари суриш ва рўйхатга олиш, номзодлар томонидан ўз шахси, сайловолди дастури ва маслағи билан сайловчиларни таништиришга қаратилган сайловолди курашлари ва шу орқали сайловчиларнинг ўз танловини амалга оширадиган жараёнлар мажмуидир.

Номзод ва унинг жамоаси учун сайлов кампанияси ўта муҳим имтиҳон. Имкон қадар кўпроқ сайловчиларнинг ишончини қозониш ва сайлов кунлари галабани таъминлашга қаратилган аниқ мақсадли (қонун билан белгиланган муайян мунддат ораллигида) саъй-ҳаракатлар PRнинг асосий вазифасидир.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларисиз сайловолди кампаниясини тасаввур қилиш қийин. Сайловолди технологияларда асосий иккита йўналиш мавжуд бўлиб, бу — бевосита аҳоли билан ишлаш, электорат билан учрашувлар ташкил қилиш, турли хил тарғибот ва ташвиқот тадбирларини амалга ошириш ва бошқалардир. Иккинчиси, электоратни айнан оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот қилишдир. Бугун мамлакатимизда айнан оммавий ахборот воситалари билан ишлашнинг аҳамияти ва роли ортиб бормоқда.

Сиёсий партияларнинг фаолиятида сайлов натижалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлгани боис, сайловолди кампанияларини муваффақиятли ташкил этишга алоҳида тайёргарлик кўрилади. Бунда сиёсий партиялар ўз номзодларининг сайловларда галаба қозониши учун тарғиботнинг турли восита ва усулларини қўллашади. Аммо бу борада рақибларни камситиш, уларнинг жамиятдаги обрўсига путур етказмаслик лозим. Миллий қончилигимизда ушбу ҳолатлар инобатга олинган. Сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш тайёрийларининг барча жиҳатлари ва ўзаро муносабатлари ҳақидаги ахборотни қамраб олади. Бу иш бошқа партияларга қарши йўналтирилган бўлиши мумкин ва шу ҳолатда ҳам заиф исботланган далилларга қарши исботлар кўмагида тасдиқланиши лозим.

Жамоатчилик фикрини оммавий ахборот воситалари шакллантирадиган, сиёсий партиялар ўз фаолиятига доир ахборотлар орқали бу жараённинг фаол иштирокчисига айланмоғи лозим. Аниқ дастурий мақсадларга эга, адолатли жамият қуриш ва фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга эътибор қаратган сиёсий партиялар, аввало, жамиятдаги эскича фикрларни бартараф этиш, жамиятни юксак марралар сари ундаш ва охирига қадар ўзи ҳақида ижобий фикрни шакллантириш учун жамоатчилик фикрига таъсирни кучайтиришга интилиши муҳим аҳамият касб этади.

Олим ЎСАРОВ,  
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

### Маданий обидаларни асранг

ЮНЕСКО Ироқда маданий мерос объектлари йўқ қилинаётганидан хавотирда эканини билдирган.

Яқинда БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКОнинг бир гуруҳ вакиллари пойтахт Бағдодда бўлишди. Улар мамлакатдаги кўплаб ибодатхона, қадимий бино, археологик объектларнинг терорчи ташкилотлар томонидан вайрон қилинишига қарши жиддий чоралар кўришга чақирган. Мутахассисларнинг фикрича, қадим обидалар нафақат Ироқ тарихи, балки инсоният бойлигидир. Мамлакатда ўтган йиллар давомида рўй берган уруш ва ўзаро тўқнашувлар оқибатида юзлаб тарихий обидаларга жиддий путур етган. Ироқ сайёҳлик ва қадимий ёдгорликлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2003-2004 йилларда мамлакатдан 130 мингдан ортиқ осори-атикалар олиб чиқиб кетилган бўлиб, ҳозирги кунгача улардан атиги 10 фоизигина қайтарилган, холос. Эслатиш жоиз, 1972 йилда Бутунжаҳон маданий ва табиий меросларни муҳофаза қилиш ҳақида Конвенция қабул қилинган. Ҳужжатга асосан барча давлатлар ва халқаро ҳамжамият маданий обидалар, қадимий осори-атикаларни асраб-авайлаш борасида ўзаро ҳамкорлик қилишлари лозим.

### Кўрсаткичлар ёмон эмас

Францияда автомобиль бозоридagi савдолар 3,8 фоизга қисқарган.

Маълумотларга кўра, шу йилнинг октябрь ойида автомобиль бозоридagi савдолар доллар ҳажми 3,8 фоизга пасайган. Бироқ таҳлилчилар ушбу кўрсаткич мамлакатдаги умумий савдо ҳажмига жиддий таъсир қилмаганини таъкидлашган. Уларнинг фикрича, ўтган ойда айрим автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг сотувлари ҳажми тушган бўлса-да, буни ижобий фактор сифатида баҳолаш мумкин. Хусусан, "Peugeot Citroen Automobile" (PCA) сотувлари 2,2 фоизга қисқарган. "Renault" да эса бу кўрсаткич 0,4 фоизни ташкил этди. Бозордаги пасайиш сентябрь ойидаги 6,3 фоизлик ўсишдан сўнг қайд этилган. Хабарларга қараганда, биринчи ярим йилликда автомобиль бозоридagi савдо кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 фоизга ўсган.

### Вулқон майдони лава билан қопланган

Гавайи оролларида отилаётган Килауэа вулканининг лава оқими қутилмаганда маҳаллий Пахоа шаҳарчасидан 146 метр узоқликда тўхтаган.

Бир неча кундирки, лава асталик билан уйларга яқинлашиб келмоқда. Маҳаллий раҳбарият шаҳарда қолган аҳолини эвакуацияга тайёр туриш ҳақида огоҳлантирди. Килауэа — ер юзидagi энг ёш ва фаол вулконлардан. Бундан ташқари, ундаги кратерлардан бири 1983 йилдан буён доимий ҳаракатланиб туради. Ўтган 60 йил давомида 35 та вулкон отилиши юз берган. Ҳозир вулкон майдонининг 90 фоизи лава билан қопланган.

### Ишсизлик даражаси

Германия ва Австрияда энг паст ишсизлик даражаси қайд этилган.

Тарқатилган маълумотларга кўра, Евроҳудудда ишсизлик даражаси сентябрь ойидан бери ўзгармай, 11,5 фоизлик даражани сақлаб қолган. Бу 2012 йилнинг сентябрь ойидан буён кузатилган минимал даражадир. Унга кўра, Европа Иттифоқида ишсизлик сони 24 миллион 500 минг кишидан ошган бўлиб, шундан 18 миллиондан ортиги Евроҳудудда истиқомат қилади. Мазкур кўрсаткич ЕИда йиллик ҳисобда 1 миллион 818 минг кишига, Евроҳудудда эса 826 минг кишига камайган. Энг паст кўрсаткичлар Германия (5%) ва Австрия (5,1%), энг юқори кўрсаткичлар эса Греция (26,4%) ва Испанияда (24%) кузатилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## Рангин дунё

**Италия бой тарихга эга мамлакатлар сирасига киради. Этрурия ва Рим каби Европа маданиятининг бешиги ҳамдир. Буюк Европа Ренессанси айнан шу мамлакатда бошланган. Дунёга машҳур Сицилия, Сардиния ороллари-ю, афсонавий Везувий, тез-тез отилиб турувчи Этна вулкони айнан шу ўлкага тегишли. Қишин-ёзин сайёҳлар эътиборини тортадиган табиат гўзалликларидан ташқари, Италиянинг диққатга сазовор манзил маконлари жуда кўп. Баланд тоғ бағрида жойлашган қадимки Матера шаҳри ана шундай масканлардан бири саналади.**

Матера — шу ном билан ата-лувчи минтақа маркази бўлиб, шаҳарнинг тоғ ичига ўйиб ишланган эски қисми ҳисобланади. Шаҳар "сасси" деб номланувчи мавзёлардан иборат. Мазкур мавзёлар таркибига кирувчи гор уйлар неолит давридан бери мавжуд. Шаҳар денгиз сатҳидан 401 метр баландликда жойлашган. Италия тилидан таржима қилинганда "сасси" сўзи "тош" деган маънони беради. Шундай бўлса-да, гор уйлар ҳақиқий тоғ жиҳсларини ёрган ҳолда қурилмаган. Гор уйлар асосан тоғнинг қумлоқ қисмини ўйиб орқали барпо этилган. Уч қисмдан иборат шаҳарни ягона ерости йўли бирлаштириб туради. Уйлар уст-ма-уст қурилганига қарамай, сув таъминоти ва канализация масаласида наманам деган ҳаҳар шароитидан қолишмайди. Ичимлик суви махсус қувур — тош ре-

зервуарда сақлангани боис, қишин-ёзин сифати бузилмайди. Бор-йўғи биттадан эшик ва ойнаси бор мўъжаз унгурулар бундан бир неча минг йиллар аввал қандай бўлса, бугун ҳам шундай. Матера ҳеч қачон хувиллаб қолмаган. Чунки унинг замини унмудор бўлиб, зироатчилик учун ҳам қулай. Ҳатто, уддабурон горликлар кўшнисининг томида ҳосил етиштириб, қорига яратган. Мол-ҳол яйловларда боқилар, одамлар билан эса уй ҳайвонларига на яшарди. Уй жуда тор бўлса-да, оила аъзолари биргаликда овқатланишган. Яъни, дастурхон атрофида ота-она ўтирган, фарзандлар уларнинг тепасида турганча еб кетаверган.

Маҳаллий музейда сақланаётган археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, Матера шаҳрида ҳаёт милoddан анча аввал ҳам қайнаган. Ушунда майдони

## Тоғ қўйнидаги шаҳар



40 квадрат метрдан иборат гор уйларда қўйи билан 10 киши истиқомат қилган. Шароит у қадар ҳавас қиларли даражада бўлмаса-да, бу ерда одамлар ўтган асрнинг 70-йилларигача яшаб келганлар. Гор аҳолисини мажбуран қўчириш сиёсатидан сўнг, Матера бир мунддат хувиллаб қолди. 1993 йили маскан

ЮНЕСКО ҳимоясига олинди ва у инсоният мулкига айланди. Айни пайтда Матеранинг эски шаҳар қисмидаги гор уйлар, XIII асрга оид ибодатхона ва бошқа иншоотларни тиклаш, таъмирлаш ишлари кетмоқда. Матераликлар гор шаҳарни кўз қорачиқдек асрайдилар. Айтишларича, иморатларнинг ҳаммасини

бўлмаса-да, яхши сақланганларини тиклаш мумкин. Ҳозирда иншоотнинг сув, канализация ва чироқ масаласи билан боғлиқ барча муаммолари ҳал этилган. Мўъжаз унгуруларда телевизор кўриш, ҳатто, интернетга уланса бўлади. Қайта тикланган акасирия уйларда кичик музейлар ташкил этилиб, горнинг собиқ

аҳолиси томонидан тақдим этилган буюмлар билан бойитилиши кутилмоқда. Италия ҳукумати тарқатган маълумотга кўра, 2019 йилда Матера шаҳри Европанинг маданий пойтахти деган шарафга лойиқ қўрилади. Равенна, Перужа, Ассизи, Калери, Сиена каби шаҳарлар ичидан Матеранинг танлаб олиниши бежиз эмас. Боиси шаҳар ҳақиқий маънода тарихий бўлиб, жуда кўп маданиятларни ўзида бирлаштирган. Айниқса, қадимий грек ва рим маданиятига оид намуналар энг ноёби ҳисобланади. Европанинг маданий пойтахтини аниқлаш ташаббуси Европа иттифоқида тегишлидир. Унга кўра, ушбу мақомга

даъвогарлик қилаётган шаҳар ташкилот томонидан ишлаб чиқилган барча таъйинларга жа-воб берувчи махсус маданий дастурни ишлаб чиқиши лозим. Шунингдек, дастур европаликлар ва ўша шаҳар одамларининг аъналарини тула-тўқис акс эттириши шарт. Бугунги кунда гор уйларда яшашни тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Жамики шарт-шароитлари бўлса-да, гор ҳаёти замонавий инсонга завқ бағишлаши амримаҳол. Бироқ, қадим-гилар учун бу жой кўп қаватли шоҳона иморатдан кам бўлмагани аниқ.

Зафар МУҲАММАД

Ясси оёқлик — жиддий муаммо

Болаларда ясси оёқлик жиддий муаммо ҳисобланади. Хасталикни даволаш бўйича профилактик муолажалар қанчалик тез бошланса, шунча яхши.

Фарзандингизда ясси оёқлик мавжудлигини қандай аниқлаш мумкин? Болани ялангоёқ юргизинг. У турли усулларда юриб кўрсин. Сиз эса оёқчаларининг ички қисмига эътибор беринг. Улар ерга деярли тегмаслиги керак. Камдан-кам ҳолатларда ясси оёқлик туғма бўлади. Одатда, соғлом оёқ ост қисмининг ички томони, умумий ост қисмининг 3/2 қисмини ташкил этиши керак. Ясси оёқликда эса ички томон йўқ бўлади, бўлса ҳам, деярли кўринмайди. Болаларда ясси оёқликнинг олдини олиш учун чақалоқлигидан бошлаб уқалаш, даволовчи гимнастика, махсус муолажалардан фойдаланилади. Болдир ва товон мушакларини уқалашни ота-оналарнинг ўзлари бажариши мумкин. Боланинг товон мушакларини уқалаш учун биринчи бармоғингиз билан боланинг товонидан то оёқ бармоқларигача юргизиб чиқинг. Бундай уқалаш кунига 2 марта (эрталаб ва кечқурун), 10 дақиқадан бажарилиши зарур. Бир ёшдан сўнг бола юришни бошлаганида даволовчи гимнастика кўпайтириб борилади. Шундай машқлар ҳам борки, бунинг учун махсус мосламалар талаб этилмайди. Лекин уларнинг самараси ниҳоятда каттадир. Бунинг учун ёз кунларида бола имкон қадар ерда, оёқ яланг юрсин. Ҳозирги кунда шифокорлар профилактика мақсадида болалар оёқ кийимига ортопедик мосламалар солишни тавсия этадилар. Бундай мосламалар боланинг ўсаётган оёғини тўғри шаклланишига ёрдам беради ва ясси оёқликнинг олдини олади.



БИЛАСИЗМИ?

Ер юзида аҳолиси сони 100 миллиондан зиёд бўлган 11 та мамлакат мавжуд бўлиб, уларда 4,3 миллиардга яқин киши истиқомат қилади.

Бир миллион қадам юрган одам 600 километр йўл босган билан баробар.

ТУРФА ОЛАМ

Фонуслар фестивали

Таиландда ҳар йили ноябрь ойида ўтказиладиган фонуслар фестивали сарт берилди.

Манбада келтирилишича, бу йилги фестиваль аввалгиларидан анча фарқ қилади. Шу кунни мамлакатнинг барча шаҳарлари байрамона тусга кириб, таиландликлар миллий либосларда сайилга чиқадилар. Улар чет эллик меҳмон ва сайёҳларга фонус фестивали тарихи ҳақида сўзлаб беришади. Фестивалнинг дастлабки куниди осмонга 2 мингдан зиёд гуруч қозғондан ишланган ёнар фонуслар осмонга учирилса, танлов, концерт ва кўнгилочар томошалар унга яқун ясайди. Аънаанага кўра, байрам кунлари Таиланд дарёлари бўйлаб бамбук баргидан ясалган мўъжаз қайиқчалар сузиб юради. Қайиқчаларга ёниб турган шам, гул ва ўзидан хушбўй хид таратувчи қаламчалар ёрдамида зеб берилади.

Ижобий фикрлашга ундайди

Олимларнинг таъкидлашича, ғамгин мусиқа шайдолари ижобий фикрлашга боис умри хотиржамлик ва хузур-ҳаловатда ўтади.



Бундай хулосага келишдан олдин мутахассислар дунёнинг турли бурчакларидан қақирилган 770 нафар инсон ўртасида ўзига хос сўровнома ўтказишган. Натижада, сўралганларнинг асариди ғамгин мусиқа уларни тинчлантириши, ёмон ўй-хаёллардан қалғитишини айтишган. Шунингдек, бундай қўшиқлар ҳаёт ташвишларини унутишга ҳам ёрдам беради. Айримлар эса қайфият ёмон бўлиб турган бир пайтда хазин мусиқа эшитиш қайфиятни тезда кўтариб юбориши, одамнинг ўзига нисбатан ишончи ўн қарра ортишини эътироф этишган. Шунга кўра, олимлар ғамгин мусиқа тинглаш инсон руҳияти ва саломатлигига бирдек фойдали экан-да, деган фикрга келишган.

Х.АБДУНАЗАРОВ

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Амалий санъат

Хунармандларга кўрсатилаётган эътибордан мамнунмиз

дейди миллий чолғу созлари устаси Абдумалик Мадраимов

сабати юксак бўлган. Унинг "Музыка илми" номли рисола-сида "Ғижжаки Бобурий" ҳақида гап боради.

Уста улғу мутафаккирлар — Абу Наср Форобий, Ал Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларнинг илмий фалсафий, бадиий ва тарихий асарларини кунт билан ўргана бошлади. Айниқса, Камолиддин Беҳзод миниатюраларида тасвирланган созлар, созандалар уни қизиқтириб кўйди. Рассомнинг мушоира акс этган миниатюрасини бир қараганда назм мажлиси сурати дейиш мумкин. Абдумалик Мадраимов ушбу миниатюрадаги созларга эътибор қаратди, синчиклаб кузатди. Ҳосил бўлган тасаввурлар янги кашфиётларига асос бўлди. Шундай қилиб уста йиллар давомида "Ғижжаки Бобурий"дан ташқари, "Дилрабо", "Дилнаво", "Мерос", "Хушнаво", "Кўштор" деб номланган янги созларни яратди. Бу созлар товуш тембрларининг майинлиги, пардалар сандосининг аниқлиги ва гўзал таши кўриниши билан ажралиб туради. Созларнинг дастаси ўрик, шохи ёнғоқ, қосаси тут дарахтидан, хас пардаси камийшдан ясалди. Устага энди бу созлардан фойдаланиш, чалиш маҳоратини шакллантириш учун махсус ансамбль зарур эди. Алаоқибат Андижонда Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Хожикўлов ҳамкорлигида "Мерос" мумтоз наволар дастаси ташкил этилди.

1995 йилда ЮНЕСКО томонидан ўтказилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллигига бағишланган Ўзбекистон хунармандларининг биринчи кўрик-танловида уста ясаган созлар ҳам намоиш қилиниб, ЮНЕСКОнинг фахрий ёрлиғига сазовор бўлди. Соз ясаш устанинг нафақат касби ёки хунари, балки ҳаёти мазмунига айланди. У ҳақда махсус



фильмлар яратилди. Самарқандда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" мусиқа фестивалига тақдир қилинди. Турли фестивал ва симпозиумларда уста ясаган созларга 70 дан ортиқ мамлакат ихлосмандлари харидор бўлишди. Уста асос солган "Ғижжаки Бобурий" қорхонаси ҳам устайди. Устанинг ёнига уч ўғил ва яна 30 дан ортиқ шогирдлари келиб кўшилди.

— Созларимизни мамлакатларнинг ўзига хос иқлимига мос қилиб ясашга ҳаракат қиламиз, — дейди А.Мадраимов. — Масалан, ҳиндистонлик ихлосмандлар учун ясалган "Дилрабо" сўзи ўзимизникидан анча фарқ қилади. Одатда созага, теридан қопқоқ қилинади. Намлик даражаси юқори бўлган ўлкаларда тери қопқоқли созлар тез ишдан чиқади. Шунинг учун, биз иссиқ-совуққа чидамли бўлиш, овози жарангли чиқиши учун созларимизга тут ёғочдан қопқоқ қиламиз. "Ғижжаки Бобурий"ни ҳатто Америкада ҳам

чалиб кўришди ва бу уларга ҳам ёқди.

Абдумалик уста ясаган созлар бугунги кунда Лондон, Париж, Токио санъат музейлари ноёб экспонат сифатида беаба турибди. Улар АКШ, Италия, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Кореяда ўтказилган кўргазмаларда юқори баҳо олдди.

Яқинда уста ясаган созлар Туркменистон ва Тошкентда ўтказилган Халқаро туризм кўргазмаларида намоиш этилиб, хорижлик сайёҳлар эътиборини тортиди. Бугунги кунда республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган болалар мусиқа мактабларида Абдумалик уста Мадраимов ясаган миллий созлардан фойдаланилмоқда. Халқ таълими вазирлиги бююртмаси асосида боғча ва мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари учун 70 тўпладан ортиқ созлар етказиб берилди. Уста яратган созлар нафақат мусиқа, балки ўзбек миллий ўймакорлиги ва

нақошлик санъатининг гўзал намуналари ҳам саналади.

Ижод аҳли изланишдан тўхтамаслиги рости. Абдумалик Мадраимов бошчилигидаги "Ғижжаки Бобурий" хунармандлик қорхонаси кундан-кун кенгайиб бормоқда. Айни пайтда вилоятнинг Боғишамол даҳасида қорхонага тегишли чолғулар музейини очиш ишлари олиб борилаётган. Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган "Ташаббус" республика кўрик-танлови юртдошларимизнинг ишбилармонлик, ташаббускорлик қобилиятларини рўёбга чиқариш, янги гоё ва интилишларини ҳаётга татбиқ этишда катта аҳамият касб этмоқда. Жорий йил Абдумалик Мадраимов учун янада қувончли бўлди. Уста "Ташаббус-2014" республика кўрик-танловида "Йилнинг энг яхши хунарманди" номинацияси голиби бўлди ва Президент саврини — "Spark" автомобили билан тақдирланди.

Замира РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Ҳар бир халқнинг ўзига хос музика олами билан таърифланган. Анъанавий чолғулар, ундан таралган музика товушлари таҳлили ўзбек олимлари, ижрочи санъаткорлар томонидан чуқур ўрганилган бўлса-да, бироқ уни ясайётган усталар меҳнати ва машаққати ҳақида ҳаммамиз ҳам тўлиқ маълумотга эга эмасмиз.

Андижонлик уста созгар Абдумалик Мадраимов билан суҳбатлашганимизда, соз ясаш хунарманддан катта қалб, музика билим талаб қилишини таъкидлади. Устанинг айтишича, созларга, айнан ўзбек миллий созларига меҳри тушганига салкам эллик йил бўлибди.

— Ўзбек ғижжаки ҳақида илк саводни устозим Абдунаби Абдуғафуровдан олганман. Устоз ғижжадаги айрим камчиликлар, хусусан, унинг симлари ҳақида кўп гапирарди. Биргалликда ушбу сознинг тақомиллашган намунасини ясашга киришдик. Харақатларимиз зое кетмади — янги соз яралди. Андижонда санъаткорларнинг катта бир йиғилишида янги созага ном қўйиш ҳақида гап борди. Жуда кўп созгар усталар, санъаткорлар кенгашиб, унга "Ғижжаки Бобурий" деб ном қўйдик, — дейди А.Мадраимов.

Бобуршуносликда "Хатти Бобурий" деган ибора бор. Ҳазратнинг "Бобурнома" асари "Воқеоти Бобурий" деб ҳам юритилади. Тарихдан биламизки, Бобурнинг мусиқага муно-

Ҳафталик

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида анъанавий "InfoLib-2014" III миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Хайдар Алиев номидаги Озарбайжон Маданият маркази ҳамкорлигида Озарбайжон ёзувчиларининг китоблари кўргазмаси ташкил этилди. Унда "Ўзбек — Озарбайжон, Озарбайжон — Ўзбек" сўзлашув лугати ҳамда "Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида Озарбайжон мавзуси" китобининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Тили ва дили яқин халқ

Аждодларимизнинг илмий, маданий-маънавий ва адабий мероси халқларимизнинг умумий мулкидир. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Озарбайжонда Алишер Навоий, Ўзбекистонда Низомий Ганжавий асарлари катта қизиқиш билан мутолаа қилинади ва тадқиқ этилади.

— Дунёда халқлар, миллатлар кўп, бироқ улар орасида тили, дини ва маданий қадриятлари жудаям яқин бўлган халқлар санокли. Улар орасида ўзбек ва озарбайжон халқлари бир-бири билан жуда яқин, — дейди журналист ва таржимон Рустам Жабборов. — Икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатлар, адабий-маданий алоқаларнинг тарихи бизни доимо қизиқтириб келган. Хусусан, ҳазрат Алишер Навоий Низомий Ганжавий ижодий меросини юксак даражада эътироф этган. Шунингдек, бу каби анъаналар давомийлигини Муҳаммад Фузулий ижодида ҳам яққол кузатиш мумкин. Ўзаро маданий алоқалар, айниқса, муस्ताқиллик даврида янгича қиёфа касб этди. Ўтган йиллар давомида жуда кўп

озарбайжон ёзувчиларининг асарлари ўрганилиб, таржима қилинди. Озарбайжонда ҳам ўзбек адабиёти намоёндалари ижодида эътибор билан қаралмоқда. Боку шаҳрининг марказида улғу шоирга эҳтиром тариқасида Навоий ҳайкали ўрнатилди. Тошкент шаҳрида эса Низомий Ганжавий ҳайкали ва Озарбайжоннинг биринчи Президенти Хайдар Алиевга ёдгорлик ўрнатилгани ҳам анъаналар бардавомлигининг яққол намунаси.

Китоблар тақдироти икки халқ ўртасидаги яқинлики янада мустақамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Ўзбек ва озарбайжон халқларининг тили ва дили яқин. Шу боис, бу икки халқ асрлар давомида бир-бирига елкадош бўлиб, маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириб келган. Тадбир доирасида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида Озарбайжон ҳақидаги энг сара мақолалар учун танлов эълон қилинди.

Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Кўргазма

Ўзбекистон-Хитой: дўстлик алоқалари мустақамланмоқда

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон ва Хитой рассомлари ҳамда фотоижодкорларнинг кўргазмаси очилди.

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 22 йил тўлиши муносабати билан ташкил этилган мазкур кўргазма Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши ҳамда Хитой миллий рассомчилик академиясининг "Буюк Ипак йўли бўйлаб ижодкорлик: Ўзбекистондаги изланиш" қўшма лойиҳаси ҳисобланади. Унинг очилиш маросимида икки мамлакатнинг таниқли маданият ва санъат арбоблари, хорижий давлатлар дипломатик корпус

вакиллари, ишбилармонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ушбу кўргазма мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлганини таъкидладилар. Икки мамлакат ижодкорлари томонидан бу асарларда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар ривожини, ҳамкорликда турли жабҳаларда эришилган ютуқлар ўз аксини топган.

Кўргазмадан ўрин олган асарларда бугунги кун одамлари, уларнинг кундалик ҳаёти, урф-одатлари, тарихий обидалар, табиат манзаралари ёрқин рангларда акс эттирилган.

Хотира

Санъаткорни ёд этиб...

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида опера хонандаси, ўзбек қўшиқчилик санъатининг йirik намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Халима Носировани хотирлаш кечаси бўлиб ўтди.

Давра суҳбати ва ёшлар ижросидаги қуй-қўшиқлар орқали ижодкорнинг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти ёдга олинди.

Х.Носирова фаолиятини актриса сифатида 1927 йилда бошлаган. Қатор те-

атрларнинг мусиқали спектаклларида бош ролларни ижро этиб, томошабинлар меҳрини қозонган. Санъаткор репертуаридан ўзбек мумтоз мусиқа мероси намуналари катта ўрин олган. Унинг Ватан ва халқ олдидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳолалиб, 2000 йили у "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланди.